

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

23«12»2022 yil.

100-5-72-DUM/2022-son

Кизилтепа туман 36-сон ихтисослаштирилган мактаб интернати келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари У.Сафаров бир томондан «Ғиждувон қурилиш лойиҳа» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Б.Рўзиев иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Кизилтепа туман 36-сон ихтисослаштирилган мактаб интернати ётоқхона биносини жорий таъмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;

- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунини давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТўЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 37 450 000 (ўттиз етти миллион тўрт юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов инвестиция дастури ва қайси маблағлар ҳисобидан аниқланиб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, объектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорини бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНҚ 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлик ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иктисодий судида кўриб чиқилади.

7. Коррупсияга қарши талаблар.

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

8.1. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлик бажаргунга қадар 31.12.2022 йилгача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Кизилтепа туман 36-сон ихтисослаштирилган мактаб
интернати

Манзил: Кизилтепа тумани

Тел:

Х/р : _100021860122167092400075001_

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ: 200017178

ОКОН:

Газначилик бўлинмаси номи: Навоий вилояти буйича

Газначилик бошқармаси

Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХКМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Рахбари _____ У.Сафаров

Гиждувон қурилиш лойиҳа МЧЖ

Манзил: Гиждувон тумани Ю.Хамадоний
213 уй

Тел. 998(65) 572-35-15 998(91) 411-22-21

Х/р р 20208000105003386001

Банк номи: АТБ Микрокредитбанк

Гиждувон филиали

МФО :00104 ИНН 302401037

ОКЭД 71110



Директор

Б.Рўзиев

(муҳр, имзо)

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	UMID SAFAROV TEMIROVICH
	Imzolangan sana	23.12.2022 13:42
	Hujjat kodi	QI5763576457
	Hulosa kodi	EJ1536632035

2022 йил _____ даги
№ _____ -сонли шартномага 1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаши
Кизилтепа туман МТБга қарашли «36-сон ИМИ» ётоқхона биносини жорий таъмирлаш объекти буйича лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш	22.12.2022 й	31.12.2022й.

«БУЮРТМАЧИ»

Кизилтепа туман 36 ИМИ

Раҳбари _____ У.Сафаров

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«G'ILDUVON QURILISH LOYIHA» MCHJ



Директор

Б.Рўзиев

2022 йил _____ даги
№ _____-сонли шартномага 2-илова

**Шартнома баҳосининг келишув Б А Ё Н Н
О М А С И**

Биз қуйида имзо қўювчилар: **Бажарувчи, « GIJDUVON QURILISH LOYIHA » МЧЖ** Буюртмачи **Кизилтепа туман 36 ИМИ** асосан ётоқхона биносини жорий таъмирлаш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил _____ даг _____-сонли шартнома баҳосини **37 450 000 (ўттиз етти миллион тўрт юз эллик минг) сўмга тенг** деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Кизилтепа туман 36 ИМИ

« GIJDUVON QURILISH LOYIHA » МЧЖ

Раҳбари _____ У.Сафаров



2022 йил _____

№- _____ даги
-сонли шартномага

3-илова

ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиха ишларининг номи: « Кизилтепа туман 36-сон ИМИ ётоқхона биноси бўйича лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи: Кизилтепа туман 36 ИМИ

Бажарувчи: «Гиждувон қурилиш лойиха» МЧЖ

Объектнинг номи	Ҳисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
<p>Кизилтепа туман №36 ИМИ лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизасидан ўтказишни буюртмачининг топшириғига асосан бажарувчи ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиха-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик даражаси 3- тоифага киради. Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача _____% ни ташкил этади. Ҳисоблаш учун тахминий _____% қабул қиламиз.</p>	<p>_____ х _____ % = _____</p>
<p>_____ сўм ҚҚСсиз</p>		_____
<p>ҚҚС 15%</p>		_____
<p>Жами</p>		_____

Нархи сўз билан 37 450 000 (ўтиз етти миллион тўрт юз эллик минг) сўм ҚҚС билан.

«Гиждувон қурилиш лойиха» МЧЖ директори: Б.Рўзиев.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

EJ1536632035

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **loyiha hujjatlari uchun**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: 36-SONLI
IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB INTERNATI tomonidan 22.12.2022 yilda
kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Qiziltepa tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



A.N.XUDOYQULOV

23.12.2022